

Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитасининг
2016 йил 20 июндаги 6-сон қарорига
ИЛОВА

Кичик бизнес субъектлари танланма кузатувини
ташқил этиш ва ўтказиш бўйича

Услубий низом

Мазкур Услубий низом, кўрилатган даврда кичик бизнеснинг республика иқтисодиёти ривождаги улушини баҳолаш ва асосий кўрсаткичларни ҳисоблаш учун репрезентатив маълумотлар олиш мақсадида, кичик бизнес субъектлари танланма кузатувини ташқил этиш ва ўтказиш механизмларини белгилайди.

Кичик бизнес субъектлари танланма кузатувини ўтказиш услубияти Европа Иттифоқи Статистика бюроси томонидан ишлаб чиқилган корхоналар статистик кузатувларини режалаштириш ва ўтказиш бўйича қўлланманинг асосий қоидалари, принциплари ва тавсияларига асосланган.

Услубий низом танланма статистика кузатувини ташқил этиш ва ўтказишнинг асосий боқичларига мос бўлган кетма-кетликда ифодаланган ҳамда давлат статистика органлари томонидан ўрганилган кичик бизнес субъектлари жамланмаси тўғрисида илмий асосланган хулосалар чиқариш имконини берувчи ишончли статистика маълумотларини, бунда олинган натижаларнинг аниқлигини назорат қилган ҳолда, шакллантириш мақсадида фойдаланишлари учун мўлжалланган.

1. Умумий қоидалар

1. Кичик бизнес субъектларининг танланма кузатуви (кейинги ўринларда кузатув) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4609-сонли фармони ижросини таъминлаш, ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштириш ва тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун ҳисоботлар тизими ҳамда уларни тақдим этиш тартибини тубдан такомиллаштириш ҳисобига янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида жорий қилинган.

2. Кузатувни ташқил этиш ва ўтказиш, жорий йил учун Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурида белгиланган муддатларда, республика ва ҳудудлар миқёсида амалга оширилади.

3. Кузатув қуйидагиларни ўз ичига олади:

- а) танлов асосини шакллантириш;
- б) танловни режалаштириш;
- в) танлов жамланмасини шакллантириш;
- г) ахборотларни йиғиш ва бирламчи қайта ишлаш;
- д) кузатув яқунларини шакллантириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 августдаги 275-сонли қарори билан тасдиқланган Кичик тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясига мувофиқ белгиланган йиллик ўртача ишловчилар сони ҳамда иқтисодий фаолият турлари бўйича кичик корхоналар ва микрофирмалар тоифасига тегишли бўлган юридик шахслар кузатув объекти ҳисобланади.

Фаолиятнинг бир неча турини амалга оширувчи (кўп тармоқли) юридик шахслар, йиллик айланма ҳажмида улуши энг кўп бўлган фаолият тури мезонлари бўйича кичик корхоналар ва микрофирмаларга киради.

Кичик корхоналар ва микрофирмалар ходимларининг йиллик ўртача сони тадбиркорлик субъектларининг ўртача ишчилар сонини аниқлаш Низоми тартибига асосан аниқланади (Давлат статистика қўмитасининг 17.01.2017 й. 1-мб сонли ва Меҳнат вазирлигининг 3-к/к сонли қарорига илова (рег. №2858 17.02.2017 й.).

Юридик шахсларни кичик корхоналар ва микрофирмалар тоифасига киритиш, давлат статистика органлари томонидан, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда рўйхатдан ўтказувчи органлар ва ваколатли ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги Регламентининг 13-бандига кўра (Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 2016 йил 28 октябрдаги ПҚ-2646-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги бб-сон қарорига 3-илова), қонунчиликка мувофиқ тақдим этиладиган йиллик статистика ҳисоботлари асосида амалга оширилади.

5. Кузатув ҳар чоракда Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида ўтказилади, бунда кузатув йилида танловга тушган кичик корхоналар ва микрофирмалар тегишли чоракнинг сўнгги ойида бир марта маълумот тақдим этадилар ва шундан сўнг улар тўлиқ алмаштирилади (ротация қилинади).

6. Кичик бизнес субъектлари томонидан сўровномаларни тақдим этиш ихтиёрий равишда амалга оширилади. Кузатувдан бош тортиш давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузиш деб ҳисобланмайди ва мансабдор шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 215-моддасида белгиланган маъмурий жазо чоралари қўлланилишига сабаб бўлмайди.

7. Кузатув ўтказилаётган даврда кичик корхоналар ва микрофирмалар қуйидаги сўровномалардан бирини тўлдиришлари керак:

а) 1-КВ kuzatuv “Кичик корхона ва микрофирманинг фаолиятини кузатиш сўровномаси” - йиллик статистика ҳисоботи маълумотлари бўйича маҳсулот (иш ва хизмат)лар сотишдан тушумга эга бўлган кичик корхоналар ва микрофирмалар учун;

б) 2-КВ kuzatuv “Кичик корхона ва микрофирманинг фаолиятини кузатиш сўровномаси” - кузатув йилида ташкил этилган кичик корхоналар ва микрофирмалар учун;

в) 3-КВ kuzatuv “Кичик корхона ва микрофирманинг фаолиятини кузатиш сўровномаси” - йиллик статистика ҳисоботи маълумотлари бўйича маҳсулот (иш ва хизмат)лар сотишдан тушумга эга бўлмаган кичик корхоналар ва микрофирмалар учун.

8. Олинган маълумотлар асосида, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва

Тошкент шаҳри кесимида, иқтисодий фаолиятнинг йириклаштирилган турлари бўйича кичик корхоналар ва микрофирмалар фаолиятининг қуйидаги кўрсаткичлари шакллантирилади:

- а) ходимлар сони ва меҳнат ҳақи;
- б) асосий капиталга инвестициялар;
- в) қиймат кўринишида ишлаб чиқарилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)лар ҳажми.

9. Субъектларни танлаб олишни ташкил этишда, Давлат статистика кўмитаси томонидан жамланма тавсифларнинг ҳисоб-китоблари, танлов хатоликлари, кичик корхоналар ва микрофирмаларни танлаш ҳамда ҳар бир ҳудуд бўйича кузатувга тушган кичик корхоналар ва микрофирмалар рўйхатини шакллантириш жараёнларини ўз ичига олган махсус дастурий таъминотдан фойдаланилади.

Танловга тегишли фаолият турлари бўйича ўртача қийматликларни сезиларли даражада ошириб юборувчи ишлаб чиқариш ҳажмига эга бўлган кичик корхоналар ва микрофирмалар қўшилмайди.

Юқоридаги субъектларнинг ҳажмлари қўшимча сўровлар ва баҳолашлар асосида аниқланади ҳамда кейинчалик танланма кузатув жамланмаси бўйича ёйилган натижаларга қўшилади.

10. Кузатув натижаларини қайта ишлаш ва уларни бош жамланмага тарқатиш ҳудудлар даражасида, кузатув сўровномалари маълумотларини киритиш ва қайта ишлаш бўйича дастурий комплексдан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

2. Танлов асосини шакллантириш

11. Кичик корхоналар ва микрофирмалар танлови асосини шакллантириш Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри (кейинги ўринларда - КТЯДР) ҳамда 1 -КВ (йиллик) “Микрофирма ва кичик корхонанинг ҳисоботи” давлат статистика ҳисоботи маълумотларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

12. Ҳар йили:

а) кузатув йилининг 1 март ҳолатига бўлган КТЯДРдан - ўтган йилнинг 1 октябргача ташкил этилган, мазкур Услубий низомнинг 4-бандида белгиланган мезонларга мос келувчи барча фаолият кўрсатаётган юридик шахслар жамланмаси ҳамда ўтган йилнинг октябрь-декабрь ойларида ва кузатув йилининг январь-февраль ойларида янги ташкил этилган кичик корхоналар ва микрофирмалар жамланмаси;

б) кузатув йилининг 1 июнь, 1 сентябрь, 1 октябрь ҳолатига бўлган КТЯДРдан - ўтган йилнинг октябрь-декабрь ойларида ва кузатув йилида 1 октябргача янги ташкил этилган кичик корхоналар ва микрофирмалар жамланмаси танлаб олинади.

Танлов - корхона, ташкилотнинг асосий коди (КТУТ), иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи 2-таҳрири (ИФУТ-2), маъмурий-худудий тузилмаларни (объектларни) белгилаш тизими (МХОБТ), корхона тоифаси (КТ) каби статистик хос рақамларни ва юридик шахснинг номини ўз ичига олади.

13. 1 март ҳолатига бўлган КТЯДР базаси асосида шакллантирилган кичик

корхоналар ва микрофирмаларнинг маълумотлар базасига 1-КВ (йиллик) “Микрофирма ва кичик корхонанинг ҳисоботи” давлат статистика ҳисоботидан маҳсулот (товар, иш ва хизмат)лар сотишдан соф тушум кўрсаткичи кўшилади.

14. Танлов асосини шакллантириш натижалари бўлиб, электрон маълумотлар базаси шаклида расмийлаштирилган ва мазкур Услубий низомнинг 12-13-бандларида белгиланган рекузитлар ҳамда белгиларни ўз ичига олган кичик корхоналар ва микрофирмалар рўйхати ҳисобланади.

15. 1 март ҳолатига бўлган КТЯДР базаси асосида шакллантирилган танлов асоси, 1-КВ kuzatuv ва 3-КВ kuzatuv сўровномаларидан, шунингдек ўтган йили октябрь-декабрь ойларида ҳамда кузатув йилининг январь-февраль ойларида ташкил этилган кичик корхоналар ва микрофирмалар бўйича 2-КВ kuzatuv сўровномасидан фойдаланган ҳолда кузатиладиган бирликларни автоматик равишда танлаб олиш учун фойдаланилади.

1 июнь, 1 сентябрь, 1 октябрь ҳолатларига бўлган КТЯДР маълумотлари асосида шакллантирилган танлов асоси:

1) 2-КВ kuzatuv сўровномасидан фойдаланган ҳолда кузатиладиган бирликларни автоматик равишда танлаш учун;

2) кузатув йилида фаолият кўрсатмаётган ёки тугатилган кичик корхоналар ва микрофирмаларни аниқлаш учун фойдаланилади.

3. Танловни режалаштириш

16. Танлов режаси - бу танловнинг бош жамланмаси ва бирликларини, шунингдек мақбул танловнинг эҳтимолий босқичларини белгилаб берувчи таснифлашлар тўпламидир.

Танловнинг танлаш схемаси, танланган режага мувофиқ танловнинг механик танлаш усулини баён этади.

Танловнинг танлаш схемаси жамланмага муҳим таъсир кўрсатади, шунинг учун у шундай тарзда шакллантирилган бўлиши керакки, танлаб олинadиган жамланма ишончли бўлиши ҳамда кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг умумий жамланмасини тавсифлаб бера олиши лозим.

17. Танлаб олинadиган жамланмани шакллантириш кўп ўлчамли табақалашган тасодифий танлов усули орқали амалга оширилади, бу харажатларни оширмаган ҳолда танлов аниқлигининг ошишини таъминлайди.

Бунда, танлов асоси бир-бирини инкор этадиган ва бир-бирини тўлдирадиган кичик гуруҳларга (страталарга) бўлинадики, токи ҳар бир жамланма бирлиги фақат битта кичик гуруҳга тегишли бўлиши ва бирорта ҳам бирлик тушириб қолдирилмаслиги керак.

Страталар орқали танлаш, ҳисоблашларда махсус дастурий таъминот базасида тасодифий рақамлар генератори ёрдамида шакллантирилган тасодифий рақамлардан фойдаланишга асосланган.

18. Кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг танлов асосини страталарга табақалаштириш республика миқёсида уч босқичда амалга оширилади.

19. Биринчи босқичда қуйидаги иккита рўйхат шакллантирилади:

а) “тушум” ва “ходимлар сони” кўрсаткичлари ноль бўлмаган кичик корхоналар ва микрофирмалар (А жамланма);

б) “тушум” кўрсаткичи нолга тенг бўлган, лекин “ходимлар сони” кўрсаткичи нолдан катта бўлган кичик корхоналар ва микрофирмалар (Б жамланма).

20. Иккинчи босқичда “А” жамланма 14 та ҳудуд (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри) бўйича гуруҳланади ва қуйидаги иккита стратага табақалаштирилади:

а) А₁ страта - кичик корхоналар;

б) А₂ страта - микрофирмалар.

“А” жамланмани табақалаштириш намунаси 1-иловада келтирилган.

21. Ҳар бир страта бўйича кузатувга тушган кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг умумий сони (танлов ўлчами), махсус дастурий таъминот базасида тегишли кадам бирлигидан фойдаланган ҳолда аниқланади. Жами йил давомида кузатув учун танланган бирликларнинг сони “А” жамланманинг 40-45 фоизидан ошмаслиги лозим.

22. Учинчи босқичда “Б” жамланмадан оддий тасодифий танлаш усули асосида 5-10 фоиз кичик корхоналар ва микрофирмалар танлаб олинади.

23. Танловнинг мазкур услубий низомнинг 18-22-бандларида кўрсатилган кетма-кетликдаги тузилишининг натижаси бўлиб, 2-иловага мувофиқ шакллантирилган танлов ва тарқатиш схемаси ҳисобланади.

24. Ҳисобот даври мобайнида янгидан рўйхатдан ўтган кичик корхоналар ва микрофирмалар бўйича қўшимча ҳисоблаш ишлари 2-КВ кузатув сўровномасидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Бунинг учун ҳар бир кузатув даврида, Давлат статистика қўмитаси томонидан ҳар бир 14 та ҳудуд бўйича, тегишли ҳудудда кузатув йилида ташкил этилган кичик корхоналар ва микрофирмалар рўйхати шакллантирилади. Олинган жамланмадан оддий тасодифий танлаш усули асосида танлов амалга оширилади (бутун ҳисобот йилида кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг 10 фоизи кузатилади).

4. Танлов жамланмасини шакллантириш

25. “А” ва “Б” жамланмалар асосида кичик корхоналар ва микрофирмаларни танлаш йилда икки марта амалга оширилади. I чорақда кузатув ўтказиш учун танлаб олинган жамланмани шакллантиришда кичик тадбиркорлик субъектларининг охириги ҳисобот йили учун йиллик давлат статистика ҳисоботининг дастлабки (жорий) электрон база маълумотларидан фойдаланилади. II, III ва IV чорақлар учун танланма кузатув натижалари сифатли бўлиши учун, КТЯДРда корхоналарнинг фаолият тури ва тоифаси бўйича ўтказилган актуализация натижаларини ҳисобга олган ҳолда

1-КВ (йиллик) “Микрофирма ва кичик корхонанинг ҳисоботи” шакли давлат статистика ҳисоботи асосида аниқлаштирилган электрон маълумотлар базасидан фойдаланилади.

Сўров ўтказиладиган кичик корхоналар ва микрофирмалар ҳар чорақда тўлиқ янғисига алмаштирилади (100 фоиз чорақлик ротация).

Сўровни ўтказиш, танлаб олинган бирликларнинг КТЯДР базаси асосида сўров вақтидаги фаоллик ҳолатини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

26. Кузатиладиган кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг электрон шаклдаги рўйхати кўринишидаги танлов натижалари, Давлат статистика қўмитаси томонидан ҳар чорақда ҳисобот даври охириги ойининг 20-санасигача ҳудудий статистика бошқармаларига юборилади ҳамда Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz расмий сайтида жойлаштирилади.

5. Ахборотларни йиғиш ва бирламчи қайта ишлаш

27. Ҳудудий статистика органлари сўровномаларни, электрон рўйхатга киритилган барча кичик корхоналар ва микрофирмаларга, уларни тақдим этиш муддатларини кўрсатган ҳолда етказадилар, уларни тўлдириш бўйича тушунтиришлар берадилар, тўлдирилган сўровномаларни қабул қилиб олишни таъминлайдилар.

28. Кичик корхоналар ва микрофирмалардан сўровномаларни қабул қилишда уни тўғри ва тўлиқ тўлдирилганлигига эътибор қаратиш зарур. Олинган натижа шунга боғлиқ бўлади, чунки натижаларни бош жамланмага тарқатишда ҳар бир хатолик бир неча мартага кўпайиб кетади.

29. Кузатилаётган субъектлар тегишли сўровномаларни электрон шаклда Интернет тармоғи орқали “eStat 3.0” статистик ҳисоботларни электрон шаклда йиғиш тизимидан фойдаланган ҳолда тақдим этиш имкониятига эгадирлар. Зарур маълумотлар Қўмитанинг www.stat.uz расмий сайтида жойлаштирилган.

Сўровномалар қоғоз шаклида тақдим этилганда, бирламчи маълумотларни киритиш махсус дастурий таъминотдан фойдаланган ҳолда, туман (шаҳар) статистика бўлимлари ходимлари томонидан амалга оширилади.

30. Сўровномаларга жавоб бермаган субъектлар фоизининг кўплиги кузатув натижаларининг сифатига салбий таъсир кўрсатишини ва оқибатда маълумотларнинг бузилишига олиб келишини ҳисобга олган ҳолда, ҳудудий статистика органлари жавоблар фоизини максимал даражада юқори бўлишини таъминлашлари зарур.

Танловга тушган кичик корхоналар ва микрофирмалар сўровномаларни тақдим этмаса ёки топилмаса, ҳудудий статистика органлари томонидан уларни бошқаларига алмаштиришга йўл қўйилмайди.

6. Кузатув яқунларини шакллантириш

31. Кузатув натижаларини киритиш, назорат қилиш, таҳлил этиш ва тузатиш ишлари бажарилгандан сўнг, бирламчи маълумотлар базаси ҳамда сўровнома топширган корхоналар рўйхати файллари Давлат статистика қўмитасига юборилади.

32. Танланма равишда олинган маълумотлар кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг тегишли бош жамланмасига тарқатилади.

Танлов тавсифини жамланмага тарқатиш - бу биринчи ўринда асосий аҳамият касб этувчи қўшиш эҳтимоллиги, яъни эҳтимоллик шундаки, айнан ушбу элемент танловга киритиладиган жараёндир.

Тескари киритиш эҳтимоллигининг катталиги, f_k элементини қўшиш салмоғи деб айтилади.

Танловни бошлашдан олдин жамланма страталарга ажратилганда ва тасодифий танлов принципи бўйича стратадан танлов амалга оширилган ҳолларда. h стратадаги элементлар учун қўшиш салмоғи қуйидагига тенг бўлади:

$$f_k = N_h / n_h,$$

бунда, N_h - h стратадаги жамланма сони,

n_h - h стратадаги танлов сони.

Танлов тавсифини бош жамланмага тарқатиш бўйича шартли намуна 3-иловада келтирилган.

33. Ҳисобот йили бошидан маълум давр учун маълумотларни ҳисоблашда, тегишли чоракларнинг натижалари жамланади.

Чораклар бўйича кузатув натижаларини жамлашнинг шартли намунаси 4-иловада келтирилган.

34. Кичик корхоналар ва микрофирмалар чораклик кузатувининг натижалари, иқтисодиёт тармоқлари бўйича ишлаб чиқариш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотларни шакллантиришда фойдаланилади ҳамда ҳар чоракда бандлик, инвестицион фаоллик ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш учун қўлланилади.

35. Мазкур Услубий низомнинг 34-бандида кўрсатилган кичик бизнес бўйича чораклик индикаторларни шакллантиришда баҳолашларнинг аниқлигини ошириш учун, Давлат статистика қўмитасининг тегишли таркибий бўлинмалари томонидан сўровномалардаги иқтисодий вазиятни баҳоловчи “яхшиланиш” ёки “ёмонлашиш” кўрсаткичлари асосида ҳисобланган тузатувчи коэффицентлар ҳам қўлланилиши мумкин.

Кичик бизнес субъектлари танланма
кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш
бўйича Услубий низомга
1-илова

**“Тушум” ва “Ходимлар сони” кўрсаткичлари нолга тенг бўлмаган
кичик корхоналар ва микрофирмалар жамланмасини ҳисоблаш
намунаси**

(ҳар бир ҳудуд бўйича)

1 - жадвал

Иқтисодий фаолият тури (ИФУТ-2)	Кичик корхоналар (А1 страта)
A	
B-D	
E	
F	
G	
H	
I-S	

2-жадвал

Иқтисодий фаолият тури (ИФУТ-2)	Микрофирмалар (А2 страта)
A	
B-D	
E	
F	
G	
H	
I-S	

Кичик бизнес субъектлари танланма кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Услубий низомга
2-илова

Танлов схемаси ва танлов натижаларини тарқатиш

Шартли намуна

Страта	N_h жамланма	n_h танлов	f_k қўшиш салмоғи
A	280	27	10,37
B-D	844	58	14,552
E	247	49	5,041
F	135	54	2,5
G	105	80	1,313
H	60	50	1,2
I-S	97	81	1,198
Жами	1768	399	-

Кичик бизнес субъектлари танланма кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Услубий низомга
3-илова

Танлов тавсифини бош жамланмага тарқатиш намунаси

Шартли намуна

	A Страта
Жамланма (N_h)	10 000
Танлов (n_h)	4 000
Кириштиш эҳтимоллиги	0,4
Қўшиш салмоғи (f_k)	2,5
Тушум суммаси (млн. сўм)	500 000,0

А жамланманинг жами тушуми = $2,5 * 500\ 000,0 = 1\ 250\ 000,0$ млн. сўм

Кичик бизнес субъектлари танланма
кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш
бўйича Услубий низомга
4-илова

Чораклар бўйича кузатув натижаларини жамлаш намунаси

Шартли намуна

млрд. сўм ҳисобида

Кузатув даври	Натижалар
январь-март учун	300
январь-март учун	300
апрель-июнь учун	400
январь-июнь учун	300+400=700
июль-сентябрь учун	450
январь-сентябрь учун	700+450=1150
октябрь-декабрь учун	500
январь-декабрь учун	1150+500=1650